


# Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ва мўътабар аёллар!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 9 (970) • 2014-yil, 7-mart, juma

## «Адолат» ижтимоий йўналтирилган сиёсат тарафдори

➢ **Фракция нуқтаи назари**

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Президентимизнинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ва дастур ижросини таъминлашдаги иштирокига бағишланган йиғилишида шундай фикрлар билдирилди.

Йиғилишда Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардаги вазифалар якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Фракция олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Давлат дастури ижросини таъминлашда фракция аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича мулоҳазалар ўртага ташланди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури орқали белгиланган мақсад-вазифалар жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни вояга етказишга, айниқса, ижтимоий соҳада кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганини партия ва фракция аъзолари эътироф этишди ва қўллаб-қувватлашди. Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, кучли ва манзилли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлиб келаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП соғлом бола туғилиши, ривожланиши билан боғлиқ тегишли қонунчиликни янада ривожлантириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, аёлларнинг кундалик юмушларини енгиллаштириш, қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш каби мақсадлар белгиланганини Давлат дастури тараққиётимизни янада юксалтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Йиғилишда Давлат дастурида биринчи навбатда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар парламент қуйи палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланди.

— Давлат дастурида соғлом авлодни тарбиялаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор биз депутатлардан аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятимизни кучайтиришни талаб этади, — деди фракция раҳбари Собир Турсунов.

2 ➢



## Аёлга эҳтиром юртни, миллатни улуғлайди

Донишманд Шарқ аёл зотига эҳтиром кўрсатишда дунёга ҳамиша ибрат бўлиб келган. Буюк аллома аждодларимиз, мўътабар қалам соҳиблари аёлларни улуғлаб, ўз асарларида уларни "яралмишнинг латиф гултожиси, ёруғ оламнинг офтоби, уйимизнинг чароғбони", дея таърифлаганлар.

Бу дунёда Она шаънига мадҳия айтмаган, ҳеч бўлмаганда бир жумла, бир сатр бағишламаган, Она суратини чизмаган, уларга бағишлаб қўшиқ куйламаган ижодкорни топиш қийин. Бундан неча минг йиллар аввал яратилган халқ оғзаки ижоди намуналарида, тасвирий, амалий санъат асарларида ва ҳатто тошларга ўйиб ишланган нақшларда ҳам бу эҳтиромнинг бетакрор намуналарини кўришимиз мумкин.

Аёлга муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Машраб каби буюк қалам соҳиблари ижодида ҳамиша етакчилик қилган. Ғазал мулкининг султони Навоий бобомизнинг: "Оналар оёғи остидадур равзаи жаннату жинон боғи, равза боғи висолин истар эсанг, бўл онанинг оёғин туфроғи" деган сатрлари то ҳануз бебаҳо шоҳ сатрлар сифатида эътироф этилади.

4 ➢

## Хулосалар камчиликларни тузатишга имкон беради

➢ **Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги фаолияти тўғрисида"ги ҳисобот муҳокама қилинди.

Ҳисоб палатаси вакили О.Рустамов таъкидлаганидек, ҳисобот даврида палатанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган.

Ҳисоб палатаси 2013 йилда ўз ваколатига кирадиган вазифалар билан бирга, Давлат бюджетининг республика ва маҳаллий даражадаги ижросини, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланишини бюджетдан молиялаштирилувчи муассасалар мисолида манзилли текширишларни амалга оширган. Ҳудудлар ва тармоқлар кесимида Давлат бюджети даромадларининг тўғри шаклланиши, бюджет ижросининг тўлиқ бажарилиши таҳлил этилган, бюджет даромадларининг асосий манбалари бўйича истиқбол кўрсаткичларининг реаллигига баҳо берилган.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иш дастури асосида 43 та йўналишда 252 та объектда назорат тадбири амалга оширилди.

4 ➢

## Мен «Адолат»ни танладим

Ҳуқуқ фанига қизиқишим баланд бўлганлиги туфайли мактаб давриданоқ республикамизда кечаётган сиёсий жараёнлар, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ислоҳотлардан, янгиланишлардан доимий бохабар бўлиб келмоқдаман.



Бу борадаги қизиқиш ва интилишларим туфайли 2008 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" танловида фахрли 3-ўринни эгалладим.

Ҳозирда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг 3-босқич талабасиман. Албатта, мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотларга ўзини дахлдор, деб билган ҳар бир тенгдошим республикамизда фаолият юритаётган қайсидир сиёсий партиянинг ғояларига қизиқиши, унинг дастурий мақсадлари рўёби учун ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиши табиий.

Мени «Адолат» социал-демократик партиясига аъзо бўлишга ундаган омил партиянинг келажак авлод тақдири учун қайғуриш, ҳар бир ёш замондошимизни кучли, билимдон ва етук инсон даражасида камолга етказиш ҳамда эртанги ҳаётда Ватанимиз келажаги, жамият тараққиёти ва истиқлолимизни мустаҳкамлашнинг ҳақиқий фидойилари этиб тарбиялашга ҳисса қўшишни мақсад қилганлигидир.

Ҳозирда Миробод туман партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари сафида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, иқтидорли ва интеллектуал ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга доир партия дастурий вазифалари ижросида фаол иштирок этишга ҳаракат қилиб келяпман.

2013 йилда институтимиз ҳаётидаги фаол иштироким ва фанларни аъло даражада ўзлаштирганим, қолаверса, республикамиз ёшларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширган ишларим учун Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ташаккурномалари, Тошкент шаҳар партия кенгаши «Ёш адолатчилар» қанотининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландим.

Институтда ўқиш билан бирга спортнинг бокс, каратэ ва шарқ якка курашининг бошқа турлари билан мунтазам шуғулланиб келаман ва республикамизда ўтказилган қатор мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаганман. Хорижий тилларни чуқур ўрганишга ҳаракат қиляпман. Бўш вақтимда китоб мутолаа қилишга, компьютерда турли дастурлар яратишга қизиқаман.

**Оқилжон САДРИДДИНОВ,**
Миробод туман кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли

➢ **Ўқув-семинар**

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида "Бошланғич партия ташкилоти самарали фаолиятини ташкил этиш механизмлари", "Давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия позициясини ифодалаш ва амалга оширишни кучайтириш масалалари" мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

## Мақсад — сиёсий тафаккурни бойитиш

Бугунги тезкор даврда партия мафкураси ва партиявий позицияни мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини кучайтириш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эканлиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

— Вилоят кенгаши ва унинг 221 та қуйи тузилмалари маҳаллий кенгашларга сайланган 29 нафар депутатларимиз билан мунтазам алоқада, — деди вилоят партия кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Улар иштирокида БПТлар фаолиятига амалий тус беришга, муаммоларни ҳокимият, бошқарув идоралари орқали ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада партия ташкилотларимизда етарли тажриба тўпланган.

Шунга қарамай вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтадиган жорий йилда олдимизда ҳал қиладиган қатор долзарб вазифалар бор. Хусусан, бугун қуйи бўғинларимизнинг барчасида ҳам аҳоли билан бевосита ишлайдиган тузилма сифатида уларнинг муаммоларини ўрганиш ва маҳаллий кенгаш депутатларига асосли таклифлар юбориш борасида ташаббус етарли эмас.

2 ➢

ADOLAT
№ 9 (970) 2014-yil
7-mart, juma



# «Адолат»
## ижтимоий йўналтирилган сиёсат тарафдори

Давоми. Боши 1-бетда

— Фракциямиз бу масалада ўз фаолият йўналишини аниқ белгилаб олди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан фракция иш режасига ўзгартиришлар киритиш, дастурда кўрсатилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича Ишчи гуруҳлари тузишга келишиб олинди. Дастурни жойларда самарали амалга оширишда назорат-таҳлил тадбирларини кучайтириш, жорий йилнинг март ойида сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувларда эса унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш зарурлиги таъкидланди ва бу борада фракция аъзолари олдида турган долзарб вазифалар белгиланди.

Давлат дастури доирасида уюштириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилиши белгиланмоқда. Ушбу маблағлар таълим-тарбия масканларини замонавий тартибда жиҳозлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва яна шу каби эзгу ишларга сарфланиши мўлжалланган. Демак, ҳар бир йўналишга ажратиладиган маблағларнинг манзилга етиб бориши, Давлат дастурида белгиланган мақсадга хизмат қилишини назоратга олиш зарур.

— “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг самарали амалга оширилиши давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги изчил ва уйғун фаолияти, кенг аҳоли қатламларининг Дастурда режаланган тадбирларда манфаатли ва фаол иштироки билан чамбарчас боғлиқ, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Ўзбекистон “Адолат” СДП мазкур Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши бутун халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг умумий иши, деган қатъий позицияда туради. Зеро, Дастур диққат марказида мамлакатнинг нафақат бугунини, балки эртанги кунини ҳам белгилайдиган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий негизини мустаҳкамлаш каби ҳар қандай халқ учун муҳим аҳамиятга эга масалалар турибди. Шу жиҳатдан ҳам ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмаётган ушбу муҳим ҳужжат “Адолат” партияси фаоллари ва электорат вакиллари томонидан чуқур ўрганилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

— Оналар ва болалар саломатлигини сақлаш ва фарзандларни ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказиш масаласи давлатимиз доимий эътиборида экани бизни қувонтиради, — деди фракция аъзоси О. Ахунова. — Ён-атрофимизда нотинч вазият ҳукм сураётган, қуролли можаролар давом этаётган, дунёнинг қатор мамлакатларида ёшлар ҳуқуқи камситилаётган, миллионлаб болалар бошланғич таълим олиш, бепул даволаниш имкониятидан бебаҳра қолаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда келажак эгаларига қаратилаётган юксак эътибор, хусусан, халқаро талабларга жавоб берадиган 12 йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилгани, 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани, энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилгани, 1816 спорт объектида икки миллионга яқин бола 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланаётгани шубҳасиз иқтисодиётимизнинг кучлилиги ва барқарорлигидан далолат беради. Бу эса ҳар биримизнинг кўнглимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

> Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган масалалар партиямиз Дастури ҳамда сайловолди платформасидаги бир қатор муҳим вазифалар, хусусан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборни янада кучайтириш, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилгани билан узвий боғлиқлиги таъкидланди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар тўла қўллаб-қувватланган йиғилиш якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Мақсад — сиёсий тафаккурни бойитиш

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳаттоки, айрим ташкилотлар қошидаги партиянинг бошланғич бўғини фаолиятидан аҳолининг хабардор эмаслиги ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Камола Ҳамидова “Давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия позициясини ифодалаш ва уни амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш тўғрисида ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг ўз сайлов округларидаги фаолиятлари давомида бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш масалалари” мавзуидаги чиқишида айрим таклифлар ўртага ташланди.

— Ушбу ўқув-семинарда давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш борасидаги ишларни таҳлил этиш, шу йўналишдаги фаолиятни янада кучайтириш, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш механизмларини кўриб чиқиш ва жойлардаги шароит ҳамда имкониятлардан келиб чиқиб, тегишли тавсияларни қабул қилишимиз зарур, — деди К.Ҳамидова. — Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларнинг бугунги босқичи партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришни, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускорликни оширишни талаб этмоқда. Аввало, жойлардаги турли ижтимоий масалаларни ҳал этишда партиямиз иштирокини таъминлаш керак. Бунинг учун партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим. Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ҳал этишни фақат партия гуруҳларининг ўзларига ташлаб қўйишни нотўғри, деб ҳисоблайман. Одамлар дардидан, қизиқишларидан ҳаммадан кўра қуйи ташкилотлар хабардор. Шу боис депутатлик гуруҳлари ва БПТ ўртасида ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш керак.

Жорий йилда олдимизда турган вазифалардан келиб чиқиб, партиямиз ўзини оқлаган, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадли тадбирларни ўтказиш амалиётини янги мазмун билан бойитиши керак. Хусусан, оналар ва болалар саломатлигини асрашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасидаги тарғибот тадбирларини кўпайтириш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалаларида янада фаол бўлиш, энг муҳими, ўз позициямизни кўрсатишимиз талаб этилади.

Тадбирда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши сиёсий партиялар ҳуқуқларини янада кенгайтиргани, бу ваколатлардан унумли фойдаланишда депутатлар билан партиянинг мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш ўзининг ижобий натижасини бериши, жойларда ечимини кутаётган масалалар, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш, қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритиб, уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатишни янада кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Қайд этиш керакки, маҳаллий Кенгаш сессиялари, доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига турли ижтимоий масалаларни олиб чиқиб, электоратимиз манфаатини таъминлаш механизмидан етарли даражада фойдаланмаётган партия гуруҳлари, бугунги давр талаби асосида фаолият олиб бормаётган қуйи ташкилотлар борлиги кишини ташвишга солади. Айрим ҳудудларда эса партия ташкилоти билан депутатлар ўртасида мустаҳкам алоқа шаклланмаганига бефарқ қараб бўлмайди. Шу боис ҳар бир партия ташкилоти фаолиятини танқидий ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, депутатлик сўрови, депутатлик назорати механизмларидан самарали фойдаланиш зарурлиги тилга олинди.

Семинарда 2014 — “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган йўналишлар муҳокама қилинди. Дастурда белгиланган вазифаларни сиёсий ўқувларда кенг муҳокама қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Таъкидланганидек, ўқув машғулотлари умумэътироф этилган илғор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ўтказилса, таъсири ошади, самараси юқори бўлади, кўзланган мақсадга эришилади. Ўқувни интерфаол усуллар, яъни фикр алмашув, мулоқот тарзида ўтказиш иштирокчиларнинг қизиқишини орттиради. Мутахассислардан эса ҳаётий мисоллар асосида содда усулда тушунтириш олиб бориш талаб этилади.

— Ўқув-семинар сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Ўқувнинг очиқ мулоқот тарзида ўтаётгани партия аъзоларининг дунёқараши янада кенгайишида муҳим аҳамиятга эга бўлди, — деди вилоят скрининг марказидаги БПТ раиси Зебо Ашурова. — Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, қуйи бўғинларнинг вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги таъсирини ошириш зарурлиги ҳамда жойлардаги депутатлик гуруҳлари билан амалий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришнинг замонавий шакл ва усуллари юзасидан қимматли маслаҳат ҳамда таклифларни олдик.

**Комил САХАТОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот котиби





# Муаллима муроди

**➢ Ижодкор партиядошимиз фаолиятидан**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши сафидаги партиядошларимиз ҳақида гапирганда хотин-қизларга алоҳида тўхталмоқ лозим. Чунки бугун вилоятда амалга оширилаётган партиявий ишларда ҳам, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда ҳам уларнинг муносиб ўрни бор. Шу маънода избосканлик партиядош аёлларимиз сафи янада кенгайиб бораётгани ҳам фикримизни исботлайди. Улар орасида турли соҳа вакиллари мавжудки, ана шу вакилларимиз орқали туманда партиямизнинг нафаси ҳар бир соҳага кириб бормоқда.

Дилфузахон Пўлатова ана шундай фаол партия аъзоларидан. У ишлайдиган Избоскан туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида 20 нафардан ортиқ партиядошларимиз ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Тумандаги энг намунали БПТ ҳам айни шу жойда ташкил этилган.

Коллеж биноси ичига кириб борар эканмиз, деворларга осилган турли расмлар эътиборимизни тортди. Уларга қараб ҳавасингиз келади. Беихтиёр таниқли бир рассомнинг ижодий ишлари бўлса керак, ўқувчиларда рассомчилик санъатига қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкил этилибдида, деган фикрга бордик. Аслида эса, ушбу суратлар муаллифи юқорида тилга олганимиз Дилфузахон Пўлатова экан.

— Дилфуза опанинг моҳир мўйқалам устаси сифатидаги изланишлари ҳам эътирофга лойиқдир, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Избоскан тумани кенгаши раиси Юлдузхон Нишонова. — Унга эргашиб ўқувчилар ҳам дарсдан бўш вақтларида рассомчилик билан шуғулланмоқда. Яқинда тумандаги ёш рассомлар ўртасида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” шиори остида расмлар кўрик-танловини ўтказдик. Унда асосан Д.Пўлатованинг шогирдлари ғолибликка эришди.

Ўзи математика фанидан дарс берса-да, рассомчилик бобида ҳам иқтидорини кўрсата олган ижодкор устахонасидамиз. Унинг ишларини кузатамиз. Ҳар бир сурат ўзига хос бир санъат асари. Қаҳрамонининг ҳаракатларини тасвирлашда ҳам, рангларни танлашда ҳам ўзгача ёндашилган. Айниқса, моҳир партиядошимизнинг мўйқаламидан яралган



отларнинг суратларига қараб, қизиқишингиз янада ортади. У чизган суратдаги отнинг кўзлари ҳам ёниб турибди. Бир қарашда уни жонли отнинг фотосурати деб ўйлайсиз. Аслида рассомнинг қаламини унга жон бағишлагандек гўё.

Қаҳрамонимиз ижодида от мавзуси кенг ўрин эгаллайди. Бу бежиз эмас. У болаликдан отни яхши кўради. Қизил рангдаги отни омад, оқ рангдагисини иймон деб номлабди. Яна сув кечиб бораётган отга барака рамзи, дея ном берибди. Дарҳақиқат, от вафодорлик, омад, поклик ва бахт рамзи ҳамдир.

Муаллима-рассомнинг отларга бу қадар қизиқишининг сири нимада экан, дея яна унинг ўзига юзланганимизда, оддийгина қилиб, “От доим ҳаракатда, олдинга интилиб туради. Шунинг учун мен ҳам суратларим орқали одамларни фаолликка чақираман”, дейди.

От — мурод дейдилар. От йилида биз ҳам барчанинг муроди ҳосил бўлсин, деймиз.

**А.НАЗАРОВ.**
**Х.АРАББОЕВ** олган сурат.

# Ноширлик ва матбаа соҳаси истиқболлари

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа соҳасини ҳам изчил ривожлантириш, тизимда замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда равнақ топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа соҳасини ривожлантириш, соҳада замонавий технологияларни кенг қўллаш, жамиятда очиқликни таъминлашда ахборот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
ЎзА мухбири

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Таълимда замонавий даража ва моддий база

### Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятини таъминлайдиган асосий омиллардир

**Давра суҳбати**

Самарқандда ўтказилган бир мулоқот ва унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида гапиришдан олдин анжуманнинг бевосита иштирокчиси бўлган партиядошимиз — СамДУ Ўзбек ва тожик филология факультети 4-босқич талабаси Ойсанам Эшбоеванинг мулоҳазаларини таъкидлаб ўтишни лозим топдик.

— Биз, ёшлар таълимда замонавий шакл ва услублар, инновацион технологиялар, интернет янгиликлари жорий этилишидан бевосита манфаатдормиз. Чунки айни шундай ёндашув билимлар дунёсининг эшикларини кенгроқ очади ва етук мутахассис сифатида шаклланишимизга имкон беради. Таълимни модернизациялаш, ислоҳ этиш масалалари билан сиёсий партия ўз фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида шуғулланаётганида эса аниқ маъно-мақсад бор. Сиёсий юксалишларнинг, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг, демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлашнинг асоси даставвал таълимга, жамиятдаги ҳар бир шахснинг интеллектуал салоҳиятига бориб тақалади.

Демак, таълимни ривожлантиришга эътибор партиямизга жамиятнинг барча қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, янги-янги ҳамкорлар топиш ва пировардида ўз дастурий мақсадлари кенг жамоатчиликка маъқул келишига эришиш имконини беради.

Бу шунчаки эътироф эмас. "Адолат" СДП вилоят кенгашининг ташаббуси билан Самарқанд давлат университетида ўтказилган давра суҳбатида иштирок этган олимлар, талабалар, партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. Мулоқот "Ўзбекистонда таълим: замонавий даража ва моддий базани мустаҳкамлаш имкониятлари" мавзусига бағишлангани боис соҳада айни шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Давлат ва жамоат ташкилотларининг ушбу муҳим масаладаги ҳамкорлиги, хусусан, сиёсий партияларнинг таълим йўналишида қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилишдаги ўрни алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Мулоқотдан мақсад "Адолат" СДПнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифа ижросини ўрганиш, амалга оширилган ишларни умумлаштириш ва таълимдаги мавжуд аҳволдан келиб чиққан ҳолда партиявий фаолият учун янги йўналишларни белгилаб олишдан иборат, — деди анжуманда иштирок этган "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов. — Таълим соҳасида эришилган барча ютуқлар, бу аввало халқники. Энди уни янада такомиллаштириш учун нима қилиш керак? Жойларда ижро назорати тўла амал қилаяптими? Зарур ташаббуслар маҳаллий ижро ҳокимияти томонидан ўз вақтида қўллаб-қувватланаяптими? Таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш қандай ҳал этилмоқда? Касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда қайси ҳолатлар биринчи галда эътиборга олиниши лозим?

Мулоқотлар жараёнида шу нарса алоҳида таъкидландики, мамлакатимизда таълимни ривожлантириш йўлида истиқлолнинг илк йиллариданоқ изчил давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистонда МДҲ давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилганлигини айтиш кифоя.

Мулоқот маркази сифатида танланган Самарқанд вилоятида таълимни ислоҳ этиш борасидаги ишлар айниқса, эътиборга лойиқ. Вилоятдаги мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежларида инновацион технологиялар илм-фан соҳасига изчил жорий этилмоқда. Таълим масканлари деярли юз фоиз интернет тармоғига уланган. Пайариқ туманидаги мавжуд 99 та умумтаълим мактаби Жаҳон банки гранти асосида нэтбуклар билан тўлиқ таъминланган. Таълимга инвестиция жалб этиш масаласида ҳам яққол манфаатдорликни ҳис этиш мумкин. Бугун вилоятнинг бирйўла учта — Пастдарғом, Пахтачи ва Нуробод туманларида Ислом тараққиёт банкининг кредити ҳисобига ҳар бири 750 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий мактаблар барпо этилмоқда. Ва, ниҳоят самарқандлик педагоглар "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" республика кўрик-танловида доимо ғолибликни эгаллаб келишмоқда.

Анжуманда маъруза қилган партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходими Моҳира Холиқова таълимда инновацион ишланмаларнинг амалиётдаги натижалари ҳақида тўхталар экан, Самарқанд вилоятида айни шу соҳадаги тажриба ва ташаббусларни кенг тарғиб этиш, оммалаштириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Самарқанд давлат университети профессори Фарҳод Набиевнинг таълим жараёнида билим ва маънавиятни уйғунликда ривожлантириш ҳақидаги маърузаси ҳам мулоқот иштирокчиларида чуқур қизиқиш уйғотди.

"Адолат" СДПнинг Иштихон, Тойлоқ ва Оқдарё туманлари кенгашлари раислари — Нигора Исмоилова, Нилуфар Акрамова ва Норбуви Нурматова таълимни ривожлантиришда қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлашда партия кенгашларининг, депутатларнинг назоратчилик ролини янада кучайтириш хусусида фикр юритдилар.

Анжуман якунида замонавий услубларни, электрон воситаларни ва бошқа инновацион технологияларни таълимга жорий этишга бағишланган бу каби мулоқотлар, мониторинглар ва қонунчилик йўналишидаги изланишлар қандай самара бераяпти, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, битта маълумотни айтиб ўтиш ўринлидир. 2014 йилда касб-ҳунар коллежларида амалий машғулотлар самарадорлигини таъминлаш учун Давлат бюджетидан 2013 йилга нисбатан бир ярим баробар кўп маблағ ажратиладиган бўлди. Бу таълимга давлат доирасидаги эътиборнинг ва муҳим масалада томонлар манфаатлари уйғунлигининг исботидир.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири






## Ижро учун масъулмиз

**Депутатлик гуруҳларида**

Давлатимиз раҳбарининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори кенг жамоатчилик, жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлари ҳамда фаоллари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, унда жамиятда соғлом турмуш тарзи янада мустаҳкам қарор топишига, айниқса, оналик ва болалик муҳофазасига катта эътибор қаратилиб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларда аҳоли саломатлигини асраш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришга хизмат қилаётган тиббиёт муассасаларининг салмоқли ҳиссаси бор. Чунончи Республика шошилинч тез-тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиалида чақалоқлардан тортиб, турли хасталиклар билан оғриган беморлар ҳам илғор тиббий усул ва муолажалар асосида даво топаётгани хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Энг муҳими, бу борадаги ислоҳотларда аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори сифатида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни мақсад қилган партиямиз фаолларининг, маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг ҳам ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради.

— Айниқса, шифохонамизнинг "Болалар анестезиология ва реанимация" бўлимида оғир аҳволда келтирилган болалар ва туғилганиданоқ хасталикка чалинган гўдакларга тезкор муолажалар қўлланилиб, бемор болаларнинг тезроқ соғайиб, оиласи бағрига қайтиши учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз, — дейди мазкур бўлим мудири, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги депутати Ориф Зияев. — Бунда албатта, малакали шифокорларнинг аниқ ташхиси ва муолажаси муҳим омил бўлаётир. Умуман, ўтган йилнинг ўзида бўлимимизда 2415 дан зиёд турли хасталиклар билан оғриган бемор болаларга сифатли тез тиббий хизмат кўрсатилди. Ниятимиз шуки, фарзандларимиз соғлом бўлиб, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топсин. Ана шу эзгу мақсадга таянган ҳолда, фаолиятимизни янада самарали ташкил этиш ҳаракатидамиз. Айниқса, яқинда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар зиммамиздаги масъулият ҳиссини икки ҳисса оширди.

Давлат дастурида белгиланган профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш борасида биз тиббиёт ходимлари зиммасига юкланаётган вазифалар бевосита партиявий фаолиятимизга ҳам дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш, бу борадаги ишлар ижросини таъминлашда депутатлик назоратини йўлга қўйишимиз керак.

— Мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, кенг кўламли умумий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар жаҳон миқёсида тан олинаётгани қувончли воқеликдир, — дейди Республика шошилинч тез-тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиали директори, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутат Ф.Норқўзиев. — Тиббиёт муассасамиз кўп тармоқли бўлиб, бу ерда эртамиз эгалари — ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирлари малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Шифохонамиз мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлиб, ҳар бир бўлим замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Электр сўрғичлар, иситиш ва сўнгги моделдаги сунъий нафас олдириш аппаратлари, инфузатор, беморнинг аҳволини мунтазам кўрсатиб турадиган мониторлар — буларнинг барчаси оғир аҳволда келган бемор болаларимизга аниқ ташхис қўйишда ва даволаш жараёнларини самарали олиб боришда муҳим ўрин тутади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда ҳам соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, аввaламбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборни янада кучайтириш белгиланаётганлиги соҳа ходимларининг ишини енгиллаштириб, тиббий хизматлар сифатини янада оширишга хизмат қилади. Давлат дастури ижроси, унинг самарали ҳаётга татбиқ этилиши устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш, соҳа ривожига тўсиқ бўладиган муаммоларни бартараф этиш борасида маҳаллий кенгашлар сессияларига таклифлар киритиш электоратимизнинг ишонган вакили сифатида биз депутатлар зиммасига янада катта вазифаларни юклайди.

Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур тиббиёт муассасасида партиямизнинг бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, у ўз атрофига 150 нафар фаол аъзони бирлаштирган. Улар томонидан ўтган йил давомида "Она ва бола саломатлиги — энг муҳим мақсадимиз!", "Спорт — соғлом турмуш гарови", "Оилада тиббий маданият — саломатлик омили", "Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил қилинди.

— Беморларнинг тезроқ шифо топиши ҳамда касалликка чалинмаслик учун оилавий шароитда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тушунча ҳамда улар учун керакли маслаҳатларни бериб бормоқдамиз — дейди БПТ раиси Холида Абдураупова. — Қуйи бўғинимиздаги фаолларимиздан икки нафари маҳаллий кенгаш депутати эканлиги ва улар билан доимий алоқада бўлганлигимиз тадбирларимиз таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаб келмоқда. Жорий "Соғлом бола йили"да ҳам бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириб, аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориш, Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни жамоатчиликка тушунтириш юзасидан дастурий режаларимизни бошлаб юборганмиз.

Ҳақиқатан ҳам, соғлом ва баркамол, ақл-заковатли фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш ҳар бир ота-онанинг улуғ орзуси, жамиятнинг мақсад-муддаосидир. Шундай экан, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш бугунги кундаги долзарб вазифалар сирасига киради. Бу борада партиямиз қуйи тузилмалари ва депутатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, дастурий вазифаларимиз ҳам ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаверади.

**Улуғбек ЗУФТАРОВ**

## Тарғиботда янги услублар керак

**Сиёсий ўқув**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан 2014 йил партия тизимида «Бошланғич партия ташкилотлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда БПТ фаоллари учун тизимли сиёсий ўқувлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда Гулистон давлат университети билан ҳамкорликда ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари раислари учун ташкил этилган ўқув қизғин мунозаралар тарзида ўтказилди.

Унда асосий эътибор партия ходимлари ва бошланғич партия ташкилотлари аъзолари фаоллигини, ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, уларнинг ишларини бугунги давр талаблари даражасида самарали ташкил этиш, БПТларни тажрибали кадрлар билан таъминлаш бўйича таклиф ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишга қаратилди.

Вилоят партия кенгаши раиси А.Ибодуллаев семинар партия дастурий ғоялари тарғиботини олиб боришда сиёсий технологиялардан фойдаланишни ўрганиш, партия мақсад ва вазифаларини электоратга, қолаверса, кенг оммага чуқурроқ тушунтиришнинг янги услубларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилганлигини таъкидлади.

— Тарғибот воситалари, турли тарқатма материаллар, буклетлар, роликлар, мунозаралар асосида интерфаол шаклдаги жонли тадбирларни кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, йиғилишларда маъруза ўқиш билан чекланмасдан, видеолавҳа намойиш этиш, интерфаол тартибидаги тадбирлардан кенгроқ фойдаланиш яхши самара беради. Маълумотлар қисқа ва лўнда тайёрланган электрон шаклда бўлса, матн қўлланма сифатида тарқатилса, эсда сақлаб қолишга қулай бўлади, тингловчини зериктирмайди, — деди маърузачи.

Тадбирда қонун ижодкорлигини янада фаоллаштириш, депутатлик корпусининг қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашда ташаббускорлигини ошириш, қонунлар билан кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш механизмини такомиллаштириш, парламент депутатларининг ўз сайлов округларида тизимли иш олиб боришларини яхшилаш ва бу соҳада янги сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш тўғрисида фикрлар билдирилди.

**Шуҳратжон ҲАСАНОВ**

ADOLAT
№ 9 (970) 2014-yil
7-mart, Juma



# Хулосалар камчиликларни тузатишга имкон беради

Давоми. Боши 1-бетда

Хусусан, Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллий бюджетларининг ижроси ва маблағларнинг сарфланиши, бюджет харажатларини оптималлаштириш резервларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан манзилли текширувлар амалга оширилди.

Муҳокамалар чоғида баъзи маҳаллий ҳокимликлар бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирларини излаш, мавжуд имкониятларни ишга солиш ўрнига давлат бюджетидан берилган маблағларни мақсадсиз ва самарасиз сарф қилинишига йўл қўяётганликлари танқид қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш масаласига айрим идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг мутасадди раҳбарлари томонидан етарли даражада эътибор қаратилмагани, бюджет маблағларидан фойдаланишда ва бюджет ижросини таъминлашда муайян камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.

Шунингдек, фракция аъзолари жорий йилда республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича самарадорликни таъминлаш, молиявий интизомга риоя қилиниши юзасидан назорат тадбирларини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсияларини баён этишди.

**Умид Жуманиёзов, фракция аъзоси:**



— Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишлар, хусусан, молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда молиявий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш каби масалаларга қаратилгани эътиборга молик. Айниқса, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойлар қуриш бўйича қабул қилинган тегишли дастурлар ижросига доир молиявий масалалар ўрганилгани партиямиз дастурий мақсадлари ва электорати манфаатларига тўла мос келади. Қишлоқларимизда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш бўйича ўзига хос стратегия шакллантирилганлиги натижасида ҳатто энг олис ҳудудларда ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган шароитларга эга замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Биргина ўтган 2013 йилда юртимизда 10 мингта намунавий уй-жойлар барпо этилгани фикримизнинг исботидир. Бироқ Ҳисоб палатаси томонидан берилган таҳлиллар муайян камчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

Партиямиз дастурида уй-жой комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, соҳага хусусий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш билан бирга уй-жой соҳасига йўналтириладиган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсади белгиланган. Шу нуқтаи назардан бугунги йиғилишимизда ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий якка тартибдаги уй-жойларни барпо этиш бўйича махсус Давлат дастурининг ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, тегишли ташкилотлар мутасаддиларининг аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан ҳисоботларини этиш вазифасини белгилаб олдик.



**Қодир Жўраев, фракция аъзоси;**

— Биз муҳокамалар чоғида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, янги таълим ва тиббиёт муассасалари қуриш мақсадлари учун сарфланаётган Давлат бюджети маблағларининг манзилли етиб бориши масаласини алоҳида кўриб чиқдик. Фракциямиз аъзолари бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масала эканини қайд этдилар. Жорий йилда республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича самарадорликни таъминлаш, молиявий интизомга риоя қилиш бўйича Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини янада кучайтириш борасида таклиф ва тавсияларни баён этдик. Бундай тадбирлар ўз навбатида партиямизнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий адолатни қарор топтириш борасидаги дастурий вазифаларини таъминлаш ишига хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси Ҳисоб палатаси 2013 йилги фаолияти давомида фақат етказилган зарарларни ундириш билан чекланиб қолмасдан, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлагани, қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик ва идоралар билан бирга ишлаётганини ижобий баҳолади.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракция "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги фаолияти тўғрисида"ги ҳисоботини қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

# Аёлга эҳтиром юртни, миллатни улуғлайди

Давоми. Боши 1-бетда

Тарих шоҳидки, шарқ аёллари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ғарблик жинсдошларига нисбатан анча аввал қўлга киритишган, жамиятнинг фаол аъзоси мақомида мамлакатни бошқаришда, маданий-маърифий, ободончилик ишларида эркаклар билан баробар иштирок этишган, босқинчиларга қарши курашларда мислсиз жасорат намуналарини кўрсатишган, оқилалик, зукколиклари билан эл-юртни босқинчилардан, бало-офатлардан, ёвуз ниятлардан асраб қолишган. Оналар энг оғир дамларда ҳам болаларини юрт корига ярайдиган жасур ўғлонлар, мард ҳимоячилар қилиб вояга етказишган.

Аёлнинг буюк иродаси, сабр-бардоши, зукко ақл-идроки ва тадбиркорлиги билан кўп муаммолар, зиддиятлар адолатли ҳал этилган. Шоҳмот ўйинидаги машҳур "Дилором" комбинациясининг ўзи фикримизга ишончли далил бўла олади. Даҳоларнинг "Аёлини улуғлаган юрт асло завол топмагай", деган ҳикмати бежиз айтилмаганини шундан ҳам билса бўлади. Чунки Аёл соғлом бўлса, миллат улғаяди, камол топади. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор олиб борилаётган кенг кўламли сиёсатнинг ўзак йўналишларидан бирига айланди, аёлларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг оғирини енгил қилиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга моддий-маънавий имтиёзлар бериш борасида ибратга молик ишлар қилинди. Мамлакатимиз Конституциясида жамият ҳаётининг муҳим бўғини ҳисобланмиш оилани мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини давлат муҳофазасига олиш ўзининг аниқ ифодасини топди: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" (63-модда), "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"(64-модда).



Эътироф этиш зарурки, мамлакатимизда бу қоидаларга қатъиян риоя қилинмоқда, Аёл зотини улуғлаш, ёшларни Оналарга чексиз ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бурчга, эр кишининг виждон ишига айланиб бораётгани мустақил Ватанимизнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий қиёфасини жаҳонга кўрсатиб турибди, десак муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги амалий ишлар, вилоятларда барпо этилаётган скрининг ва перинатал марказлар аёлларни улуғлашда мамлакатимиз жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланиб улгурганини тасдиқлайди. Чунончи, Ўзбекистон оналикни муҳофаза қилиш бўйича дунёнинг 125 давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганига кўплар ҳавас қилса бўлади. Хотин-қизлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида, давлат бошқаруви органларида, вазирлик ва идораларда, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, соғлиқни сақлаш ва маҳалла бошқаруви тизимида фаол иштирок этмоқдалар, тадбиркорлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик ва фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Илм-фан, маданият ва спорт соҳасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган, Ўзбекистон шаънини улуғлаётган ёшларимиз сафида хотин-қизларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, аёлларимизга ўз истеъдод ва салоҳиятларини тўла намоён қилишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани чиндан ҳам ҳаваслидир.

Аёлларимизнинг шижоатли меҳнати, илмий ва ижодий изланишлари, ташкилотчилик қобилиятлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Улар кўксини мустақил мамлакатимизнинг юксак мукофотлари безаб турибди. Янги турмуш қурган ёшларга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, оиланинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, қулай ва шинам, замонавий талаблар асосида қурилган уй-жой билан таъминлаш давлатимиз раҳбарининг диққат-эътиборида бўлиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида Ўзбекистонда гендер сиёсатини юритишда катта ютуқларга эришилди. Ўтган ярим аср ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар ҳаёти ва ҳуқуқига тааллуқли 30 дан зиёд конвенциялар, халқаро битимлар ишлаб чиққан бўлса, мамлакатимизда кейинги икки ўн йилликда аёллар масаласида 80 дан ортиқ халқаро андозаларга мос миллий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 101541 нафар аъзоларидан 50903 нафарини ёки 50,1 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.



Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий нуфузини ошириш, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини янада кучайтириш жамиятимиз учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга молик масаладир. Бу борада ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқни кўзловчи давлат сиёсатининг амалга оширилиши, махсус дастурларнинг қабул қилиниши натижасида хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари фаолиятида ижобий сифат ўзгаришлари юз берди. Хотин-қизларнинг турли жамоатчилик ташкилотларига хорижий тегишли ташкилотлар билан бевосита мулоқот қилиш, биргаликда ишлаш, мавжуд муаммолар ечимини топиш ваколатлари берилди. Аёллар орасидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, давлат ва жамоат арбоблари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таниқли раҳбарлари, омилкор ташкилотчилар, олима ва мураббиялар етишиб чиқди ва бу қатлам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина 2013 йилда тижорат банклари тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратганининг ёки "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши учун жами 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи кўп нарсани англатади. Хотин-қизларнинг таълим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, илмий ва касбий салоҳиятларини ўстириш учун тегишли шароитларни яратиш мамлакатимизда давлат томонидан кафолатланган. Миллий қонунчилигимизда аёлларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўз аксини топган.

Аёл маънавияти миллат келажагини белгилаб берувчи муҳим маънавий пойдевор ҳисобланади. Шу боис, аёлларнинг илмли, оқила ва фозила бўлишидан, улар ўз фарзандларини юксак маънавий фазилатлар, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашларидан жамият ҳамиша манфаатдордир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятида жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қиз тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ўз истеъдодларини тўла намоён этиш учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор беради. Сиёсий партия ва ҳаракатларнинг, шу жумладан, "Адолат" СДПнинг "Аёллар қаноти" тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Партия жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини юксалтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани, партия хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда аниқ мақсадга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. "Партиянинг оқила аёли" кўрик-танловини ҳам шундай лойиҳалар сирасига киритиш мумкин. Ушбу танлов Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини кучайтиришга, ташаббусларини рағбатлантиришга, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилик борасидаги билимларини юксалтиришга, республикамизнинг олис қишлоқларидаги аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ишига ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашни ўз ичига олган чора-тадбирлар кучайтирилади. Жумладан, "Соғлом бола йили" Давлат дастурига кўра, ушбу йилда оналар саломатлигини муҳофаза этиш, болаларнинг соғлом туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида кўплаб тадбир-чоралар амалга оширилади.

Аёлга эҳтиром кўрсатилган, она ва бола саломатлигини асраган юрт асло завол кўрмайди. Аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган бу улуғ фазилат юртимиз шаъни ва шавкатини янада ошириши шубҳасиз.

**М.АҲМЕДОВ**

# Доимий эътибордаги масала

## ➢ Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Мамлакатимизда ёшларни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида бўлиб ўтган давра суҳбатида ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, ёшлар фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш хусусида сўз юритилди.

Қибрай тумани ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда «Менинг бизнес-ғоям", «Ёш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳалари, тадбиркор бўлиш, ўз бизнесини ривожлантириш учун кредит олиш истагидаги ёшларга молия муассасалари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, иш юритишнинг самарали усуллари ҳақида маълумотлар берилди.

**Х.САЛИМОВ,**
ЎзА мухбири

Reklama

# МАРКАЗИЙ БАНК: замон талабларига мос фаолият

## ➢ Эътироф

Халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги ҳамда банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга асосланган кенг кўламли тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги ўз натижаларини тобора намоён этмоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун катта имкониятларни яратди ва энг муҳими, мамлакат аҳолисида фаровонликка эришишга мустаҳкам ишонч уйғотди.

Банк тизими тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи тамойилига асосланган ҳолда мамлакатимиз ишбилармонлик муҳити вакилларининг ишончини тўла қозониш вазифасини етакчи мақсад қилиб олган. Шу мақсад йўлида, мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига монанд самарали фаолиятни амалга оширмоқда ва халқ фаровонлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида салмоқли натижаларга эришмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида Ўзбекистон Республикаси банк тизимини Республика Марказий банки бошқариши белгилаб қўйилган. Конституциянинг 122-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул кредит тизимига эга" дейилган, 36-моддасида мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли экани белгиланган.

Республика Марказий банки ана шу ўта муҳим вазифалар ижроси учун бевосита масъулдир. Зеро, банклар иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлардир. Шу маънода Марказий банкнинг асосий эътибори назорат функциясини амалга ошириш, банк-молия тизими барқарорлигини сақлаб туриш ва, албатта, банкка ишониб топширилган пул маблағларининг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро миқёсда иқтисодий танглик ҳукм суриб турган бир пайтда, мамлакатимиз ялпи маҳсулотида 8 фоизлик ўсишга эришилаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олиб бораётган сиёсатнинг тўғрилигини яна бир карра исботлайди.

Мамлакатимиз банк тизими тадбиркорларнинг иш фаолиятида ишончли ҳамкор ва таянч вазифасини буткул эгаллади ва мамлакатимиз ишбилармонлик муҳити вакилларининг ишончини тўла қозонишни етакчи мақсад қилиб олган.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2011-2013 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш юритаётган тадбиркорларнинг ўз фаолиятларида мамлакатимиз банк тизимининг ўрни ҳақида жамоатчилик баҳосини ўрганишга қаратилган қатор изланишлар ўтказди.



Тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш истаги тобора ошиб бораётгани банк тизимига бўлган ишончнинг кучаяётганлигини ва банк тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётганининг натижасидир.

"Ижтимоий фикр" маркази сўрови натижалари шундан далолат бермоқдаки, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида банк-молия тизими томонидан яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити тобора мустаҳкам пойдеворга эга бўлаётганлигига, Ўзбекистон банк тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамда оилавий бизнес, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида олиб бораётган фаолиятларига тадбиркорлик соҳаси вакиллари катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда юртимиз банк-молия тизимидаги ишонч, ўсиш ва барқарорлик тадбиркорларга куч-ғайрат бахш этмоқда. Сўралганларнинг 98,8 фоизи республикамиз Марказий банки томонидан банк тизимини бошқаришда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўла ўзини оқламоқда, деган фикрни маъқуллашганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди.

Банк тизими томонидан амалга оширилган ишларни санасак, саноғига етиб бўлмайди. Бу борада юртдошларимиз, ёшлар ва тадбиркорларнинг дил сўзлари банклар фаолиятининг нечоғлик самара бераётганини тасдиқлайди.

**Бўрон РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Қашқадарё вилояти:**

— Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хусусан, коллежларни битирган ёшларимизнинг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашга Ўзбекистон банк тизими раҳбарияти томонидан катта аҳамият қаратилмоқда.

Бугун тадбиркорларимизга сифатли банк хизматлари кўрсатилиб, барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан 20 йил олдин ана шундай мукаммал тизим шаклланган эдими? Йўқ. Бугун юртимизда банк тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бу борада тегишли фармон ва қарорларнинг қабул қилингани тизимнинг халқаро андозаларга мос даражада ишлашига имкон яратди.

Кундалик оммавий ахборот воситаларини кузатиб бораман, ўзимга савол бераман: қайси юртнинг Марказий банки ходимлари маҳаллама-маҳалла юриб, аҳоли, тадбиркорлар, фермерлар билан учрашиб, яқиндан амалий ёрдам беради? Дангал айтаман, бу фақат бизнинг юртимизда! Мисол учун, ҳар бир вилоятнинг олис ҳудудларида Марказий банк ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, амалий ёрдамлар бериб келмоқда. Бундай учрашувлар кўпчилик ёшларимизнинг ота-онасига, давлатга кўмакчи сифатида шаклланишига, ҳалол тадбиркор бўлишига имкон яратмоқда.

Вилоятимизнинг биргина Муборак туманига банклар томонидан 2013 йилнинг ўзида 28 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилган. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 18 млрд. сўм, опа-сингилларимиз тадбиркорлигини ривожлантиришга 2 млрд. сўм, коллеж битирувчиларига эса 312 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3 млрд. сўм кредитлар ажратилгани эътиборга моликдир. Ажратилаётган кредитлар туманимиз аҳолисини, ёшларини иш билан таъминлашга, уларнинг ҳаётини янада фаровон этишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, банкларнинг чорвачиликни ривожлантириш, томорқа хўжаликларида мевали кўчатлар, иссиқхоналар, паррандачиликни ривожлантиришга ажратаётган кредитлари катта кўмак бўлмоқда. Одамларимиз ана шундай кредитларни олиб, ўзларининг оилавий тадбиркорлигини ташкил этиш асносида оила аъзоларини иш билан таъминламоқда. Кўриниб турибдики, қишлоқдаги юртдошларимизни иш билан таъминлашда банк кредитларининг салмоғи ниҳоятда катта. Бу банк ходимларининг ана шундай имтиёзларни маҳаллама-маҳалла юриб, халқимизга чуқур етказганлигида, деб ўйлайман. Фуқароларимиз шундай имтиёзлардан фойдаланиб, ўзларининг турмушларини янада яхшилаб, маҳаллалар, қишлоқлар ободлигига ўзларининг ҳиссаларини қўшишмоқда.





Ана шундай тадбиркор, ишбилармонлар туфайли қишлоқларимизда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг кайфияти чоғ. Юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин дейман.

**Абдуҳафиз ПЎЛАТОВ,**
**Бухоро автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори:**

— Бугунги кунда коллежларни битирувчи ёшларимизга давлатимиз томонидан кенг имкониятлар эшиги очилган. Коллежларни битириб, ўзининг севган касбига эга бўлган ёшларимизнинг бир қисми олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётган бўлишса, бир қисми тадбиркорлик йўналишини танлаб, ўзларининг хусусий корхоналарини очишган ҳолда юрт иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Айниқса, республика Марказий банки томонидан ёшларимизни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилаётгани эътиборга моликдир. Ўтган 2013 йилда бизнинг коллежимизга Марказий банк етакчилигида вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари келиб амалий учрашувлар ўтказишди. Бундан ташқари, банк ходимлари тадбиркорликни йўлга қўйиш истагини билдирган ёшлар билан яқин ҳамкорликда ишлаб, уларни кредит олиш тартиб-қоидалари, бизнес-лойиҳаларни тузиш, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан таништириб келмоқдалар. Бугун коллежимиз ёшлари давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, умуман олганда, тадбиркорликка оид қонунчилик ҳужжатларидан тўлиқ хабардор.

Шу сабабли коллежимиз ёшлари ҳеч бир қийинчиликсиз ўзларининг хусусий корхоналарида эркин фаолият юритмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида коллежимизнинг 45 нафар йигит-қизларига банклар томонидан 834 млн. сўм кредит ажратилди. Шундай ёшлардан бири Азимжон Зикиров Марказий банк томонидан ўтказилган учрашувларда фаол иштирок этиб, коллежни битиргандан сўнг банкдан 78 млн. сўмлик имтиёзли кредит олди. Эътибор беринг, ёш тадбиркор маблағни нимага сарфлади? Биринчидан, Самарқанд вилоятига бориб, одамларимизнинг узоғини яқин қилиш учун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "Исузи" автофургонидан олиб келиб, йўналишга қўйиган бўлса, кредитнинг қолган қисмига эса автомобилларга техника хизмати кўрсатишни бошлади. Ёш тадбиркорнинг корхонасида 6 нафар тенгдоши меҳнат қилмоқда.

Кечагина коллежни тамомлаган Азимжон бугун корхона раҳбари, мулкдор, ўз маблағига, ўзининг куч-қудратига эга бўлди. Албатта, бунда банкларимизнинг ўрни ниҳоятда катта. Азимжонга ўхшаган ишбилармон ёшлар вилоятимизда кўпчиликни ташкил этади.

Яқинда давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида банклар тўғрисида илиқ сўзларни айтдилар. Диққат билан эшитдим. Ҳақиқатан бугун банкларимиз бундай мақтовга лойиқ, деб ўйлайман. Зеро, юртимизда республика Марказий банки етакчилигидаги тижорат банклари ёшларимиз, тадбиркорларимизни қўллаб-қувватламоқда. Жаҳоннинг нуфузли рейтинг компаниялари томонидан Ўзбекистон банк тизимининг фаолияти юқори баҳоланаётганини ҳам бежиз эмас, албатта. Ҳар бир инсон, муассаса обрў-эътиборни мисқоллаб йиғади. Банкларимизнинг бундай обрў-эътиборга эга бўлиши ҳам соҳани ривожлантириш борасидаги изланишлар, раҳбарларнинг ишда қатъий интизом ўрнатгани, машаққатли меҳнати, аҳиллиги ва бирдамлигидан, деб ўйлайман.

Биргина мен раҳбарлик қилаётган коллежда ёшларимиз ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, оиласининг кўмакчисига айланаётган экан, демак юртимизда қанчадан-қанча коллежларимизни битираётган минглаб ёшларимиз банклар ёрдами билан жамиятда ана шундай улкан ютуқларга эришмоқда. Биз ўқитувчилар юртимиз банк тизимида ана шундай фидойи банк раҳбарларининг фидокорона меҳнатларини қадрлаймиз, ва, албатта, фахрланамиз.

**Берт МОССЕЛМАНС,**
**«Весалиус» коллежининг ректори, профессор (Бельгия):**

— Ўзбекистонга кўп маротаба ташриф буюрганман. Ўтган даврда шунга ишонч ҳосил қилдимки, бугунги ўзбек ёшлари билимли, зукко ва ташаббускорлиги билан хорижлик тенгқурларидан алоҳида ажралиб туради.

Айниқса, коллежларни битирган йигит-қизларнинг хусусий корхоналарни ташкил этиши, шу орқали ҳаётда ўз ўрнини топишида банкларингиз томонидан амалга оширилаётган ишлар менда катта таассурот қолдирди. Гап шундаки, улар, аввало, ўзи севган касби бўйича олий ўқув юртида ўқиш, иккинчидан, хусусий корхона очиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, қолаверса, корхона ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттириш имкониятига эга. Бундай тажрибани эса, тўғрисини айтсам, бошқа давлатларда кўрмаганман.

Мухтасар айтганда, кечагина коллежни битириб, касб-ҳунарга эга бўлган ўқувчи банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак туфайли бугун ўз мулкига, ўз маблағига ва куч-қудратига эга бўлаётгани, пировардида миллатнинг бир тадбиркори сифатида шаклланаётгани Ўзбекистоннинг энг катта бойлигидир.

**Шуҳрат МАМАДАЛИЕВ,**
**Поп туманидаги «Йигитали ота Мамадалиев» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Корхонамиз «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Поп тумани филиали мижози. Банк ходимларининг мижозлар билан ишлашдаги янгича ёндашувлари тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Банк томонидан аҳоли ва мижозларга сифатли ва тезкор банк хизматларини кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Банк ходимларининг ширин сўзи, тажрибаси ва тезкорлигидан мамнунмиз.

Айниқса, тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган истиқболли бизнес-режа ҳамда лойиҳалар банк жамоасининг доимий эътиборида. Ўтган йили фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида бизнес-режа туздик. Ҳисоб-китобимиз бўйича мақсадимиз амалга ошиши учун 47 миллион сўм зарур бўлди. Бугун қай бир тадбиркор билан суҳбатлашсангиз, гап мавзуси маблағга бориб тақалса, албатта, банк ҳам тилга олинади. Демак, банклар тадбиркорларнинг молиявий мададкорига айланиб улгурди, биз ҳам банкка суяндик. Лойиҳамизни тақдим этдик. Банк жамоаси уни кўриб чиқди. Кредитни қайтариш имкониятимизни ўрганди, фикримиз билан қизиқди. Сўнгра маблағ ажратди. Сармояга энг замонавий технологиялар сотиб олдик. Бугун Поп туманининг Уйғур қишлоғида фаолият юритаётган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик цехимизда беш киши ишламоқда. Уларнинг икки нафари коллежларни тугатган ёшлар.

Ушбу лойиҳа амалга ошиши билан кунига минг донадан зиёд нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаяпмиз. Бир ой давомида 8-9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа амалга ошганидан айни пайтгача 110 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Яқин вақтда кредитни тўлиғича қайтариш имконимиз бор экан. Бу бир жиҳати. Иккинчи томони шундаки, беш нафар кишининг рўзғори обод бўлишига ҳисса қўшдик. Банк мадади билан уларнинг ҳам хонадонига барака кириб борди.

Келгусида эса режаларимиз кўп. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларини йўлга қўймоқчимиз. Қишлоқда янги корхоналар ташкил этмоқчимиз. Шунда яна кўплаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаймиз. Бу мақсадимизда ҳам «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молиявий мададига суянамиз. Ҳамкорлигимизда ишонч устувор экан, фаолиятимиз равнақ топаверади.

**Динорахон РИЗАЕВА,**
**«Status-Ost» МЧЖ раҳбари (Фарғона вилояти):**

— Мен Марғилон банк коллежида ўқиб юрганимда келажакда тадбиркор бўлиб, оилам фаровонлигини таъминлашни орзу қилардим. Шу сабабли коллежни битиргач, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишни ўз олдимга мақсад қилдим. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бунда албатта, менга банк мададкор бўлди. «Агробанк» Фарғона вилояти бошқармаси томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 30 миллион сўм кредит ажратди. Шунинг эвазига фаолиятни муваффақиятли йўлга қўйиб, 3 та иш ўрни яратишга эришдим.

«Агробанк» Фарғона вилояти бошқармаси ва унинг шаҳар, туман филиаллари томонидан ажратилаётган кредитлар, албатта, келажак учун тикилган сармоялардир. Бу сармоялар шак-шубҳасиз, эртанги фаровон турмушимизни таъминлашга, жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

**Шокир АРСЛОНОВ,**
**«NASIBA PARRANDA» МЧЖ раҳбари:**

— Юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилаётгани биз тадбиркорларни янги марралар сари ундамоқда.

Соҳа равнақига астойдил саъй-ҳаракатсиз эришиб бўлмайди. Ўзимиздан қиёс. 2008 йилда тадбиркорликка қўл урдик. Ва ҳеч иккиланмай «хонадоннинг етти хазинаси» дея ном олган сердаромад тармоқлардан бири — паррандачиликни танладик.

Сабаби, бугун биз тадбиркорларнинг олдидаги энг долзарб вазифалар бу — қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Бунинг учун янги, ихчам замонавий технологиялар зарур. Биз ҳам шу йўлдан бордик. Ишимизни янги технологияларга асослаб ташкил этдик.

Соҳада тажрибамиз, иштиёқимиз, бизнес-режамиз, ўзига хос лойиҳаларимиз бор эди. Ишнинг ривожи молиявий жиҳатга боғлиқ бўлиб қолганди, холос. Барчасини ҳисоб-китоб қилиб, банкка мурожаат этдик. «Ипотека-банк»нинг Кўксарой филиали жамоаси лойиҳамизни кўриб, бизни қўллаб-қувватлади. Ижро учун банк томонидан ажратилган 810 млн. сўм миқдоридаги 2 йил муддатли кредит билан фаолиятимизни бошладик. Сармояга инкубацион тухумлар, жўжалар, ветеринария маҳсулотлари, ҳар хил турдаги озуқалар ва инкубацион хоналар учун қурилиш материаллари сотиб олдик. Замонавий ихчам, қулай технологиялар ишимизни янада ривожлантиришга хизмат қилиб, паррандаларимиз сонини кескин кўпайтириш имконини берди. Энг асосийси, олинган кредит ҳисобига 25 та янги иш ўрни ташкил қилинди. 5 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

Бугун ишонч билан айта оламанки, банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора қисқариб бормоқда. Молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай дейишга асос беради. Паррандачиликдаги муваффақиятимизда банкнинг мададини бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

**Абдусамад СУЛТОНҚУЛОВ,**
**«АЗИЗЖОН» ФХ раҳбари,**
**Тошкент вилояти, Қибрай тумани:**

— «АЗИЗЖОН» фермер хўжалигимиз 2000 йилдан буён Тошкент вилояти, Қибрай туманида фаолият кўрсатмоқда. 2013 йилда фермер хўжалигимизда чорвачиликни ривожлантириб, фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкига таянган ҳолда четдан наслли қорамоллар сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқдик. Мазкур бизнес-режамиз ва керакли ҳужжатларни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қибрай филиалига тақдим этдик.

Тақдим этган бизнес-режамизга кўра, банк томонидан ажратилган 750 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағларига Германия ва Словакия давлатидан 99 бош Голштин наслли қорамоллари сотиб олдик.

Бугунги кунда сотиб олинган наслли қорамоллар ферма биносида боқилмоқда. Ўртача ҳар бир сигирдан бир суткада 25-30 литрдан сут олиниб, маҳсулотларимиз туманимиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда. Натижада олинган соф даромадимиз ошиб, боқилаётган чорва молларимиз сони 2014 йилнинг 1 январь ҳолатида 367 бошни ташкил қилди. Хўжалигимизга қўшимча наслли қорамоллар олиб келиниши иш ҳажмининг ортишига, бу эса 12 та янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлди.

**Марказий банк материаллари асосида тайёрланди.**

ADOLAT
№ 9 (970) 2014-yil
7-mart, juma

# Исландия ўз қароридан воз кечди

**➢ «Адолат» шарҳи**

Жаҳон парламентлари тажрибаси ва унда социал-демократларнинг ўрни албатта, ўқувчиларимизни қизиқтириши табиий. Исландия бугунги кунда социал-демократлар мавқеи юқори бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. «Музликлар мамлакати» бўлмиш орол давлат яқинда Европа Иттифоқига аъзолик тўғрисидаги аризасини қайтариб олгани халқаро матбуотда кенг ёритилмоқда.



Маълумотларга кўра, Исландия 2010 йилги аризасини қайтариб олар экан, ўз қарорини бунга зарурат қолмагани билан изоҳлаган. Ҳукмрон Прогрессив ва Мустақиллик партияларидан ташкил топган коалиция шундай хулосага келди. Бош вазир Сигмундур Давид Гуннлаугссон маҳкамаси бу борадаги қонун лойиҳасини тасдиқлаш учун Альтингга (Исландия бир палатали парламенти) киритди. Радио орқали мурожаат билан чиққан орол давлатнинг ташқи ишлар вазири Гуннар Браги Свейнссон янги ташқи йўлни амалга ошириш масъулиятини ўз зиммасига олишини маълум қилди.

Таъкидлаш жоизки, Атлантика океанининг шимолида жойлашган мамлакат 2008 йилда ўз ҳудудига ёпирилган оғир молиявий инқироз оқибатларини муваффақият билан бартараф этмоқда. Ўшанда банклар касодга учраган, давлат банкрот ёқасида қолган, ишсизлик 7 фоизга етганди. Натижада орадан бир йил ўтиб сайловчилар мамлакатни камида 20 йил идора этган Мустақиллик партиясига қарши овоз бердилар. Рейкьявикда тузилган янги ҳукмрон социал-демократлар ва яшиллардан иборат коалиция кредит сўраб Россияга мурожаат қилди, аммо муаммодан чиқишнинг ягона йўли сифатида Европа Иттифоқига аъзо бўлиш, деган қарорга келинди. Ариза топширилиб, музокаралар бошланди. Лекин сўл марказчи Вазирлар Маҳкамаси Брюсселнинг инқирозга қарши тавсияларини рад этди.

Исландияда банкрот бўлган банкларни давлат кредитлари билан қутқариш чораси кўрилмади, балки капиталнинг чиқиб кетиши устидан назорат ўрнатилди. Кетма-кет икки маротаба ўтказилган референдумларда исландияликлар оролга юқори фоизларда инвестиция киритган Буюк Британия ва Голландиядан бўлган қарзларнинг қайтарилишига қарши овоз беришди. Иқтисодиёт масалалари бўйича Нобель мукофоти совриндори Пол Кругман буни бошқа инқироз домидаги мамлакатларга ўрнак бўлувчи Исландия тажрибаси, деб атади. Натижада 2011 йилдан бошлаб Исландия ялпи ички маҳсулоти ўса бошлади. Ўтган йили у 2 фоизга ўсди. 2008 йилда Халқаро валюта жамғармасидан олинган бир миллиард долларлик кредитнинг бир қисми муддатидан илгари тўланди. Вулқон ва гейзерлар ороли яна ўн минглаб сайёҳларни ўзига жалб эта бошлади.

Исландияга қарзлар беришда муайян шартлар қўйилди. Лекин ҳукумат бундай босимларни қабул қилмади. Президент Гриммсон бу ҳақда шундай фикр билдирганди: *«2009 йилда Исландияга айтишганди, агар халқаро ҳамжамиятнинг шартини қабул қилмаса, у шимолий Кубага айланади. Агар биз розилик берганимизда шимолий Гаитига айланардик».*

Маошлар кескин қисқартирилиши, кундалик эҳтиёж моллари қимматлашуви ва таназзулнинг бошқа хуружларидан чарчаган одамларнинг даромадларини оширишга ёрдам тариқасида ҳукумат ҳар бир исландияликка 650 килограммгача балиқ овлаш ва сотишга рухсат берди. Шунга қарамай, ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг ярми тирикчилигини аранг ўтказаётганлигини айтган. Балки айни пайтда оролда Европадаги энг юқори туғилиш кузатилаётгани, яъни аҳоли кўпаяётгани бунга сабаб бўлаётгандир.

> Социал-демократлар бошқаруви йилларида Исландия иқтисодиёти кескин ўзгарди. Илгари мамлакат фақат балиқ овлаш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган бўлса, ҳозирги кунда арзон қайта тикланувчи энергия асосида саноатнинг диверсификациялашуви рўй берди.

Сиёсий номутаносиблик шундан иборатки, Мустақиллик партияси ўтган йилнинг апрель ойида бошқа партия номзоди бўлган бош вазир билан бўлсада, ҳокимият тепасига қайтди. Исландия иқтисодчилари фикрича, инқироз тўла бартараф этилмаганига қарамай, вазиятнинг ўнгланиши мамлакатга ўз валютаси — кронани, молиявий ва сиёсий мустақиллигини сақлаб қолиш имконини бермоқда. Боз устига, орол Шенген келишувининг имтиёзлари ва ўз маҳсулотларининг ЕИ бозорларида эркин сотилиши имкониятларидан фойдаланмоқда.

2013 йилги сайловларда ўнг марказчи коалиция ЕИга аъзолик тўғрисида референдум ўтказишга ваъда берганди. Бироқ энди улар масалани овоз беришсиз ечишмоқчи. Уч ярим минг кишилик норозилик намойишини ҳисобга олмаса, аксарият кўпчилик Европа ягона оиласига қўшилишни истамаслигини билдирган.

Исландия ва ЕИ ўртасида анчадан бери балиқчилик масаласи баҳсли бўлиб турибди. Балиқ Исландия экпортининг 42 фоизини ташкил этади. Балиқ овлаш квотасини чегаралаш ва экологияга оид Брюссел талаблари Рейкьявик-Брюссель муносабатларида ҳануз оғир масалалардан. Квота тўғрисида музокараларда қатнашаётган Исландия музокарачиларидан бири шундай деганди: *«Биз учун балиқчилик тизими шунчалик муҳимки, Германия учун автомобилсозлик саноати соҳаси бунчалик муҳим бўлмаса керак».*

Шу ўринда мамлакат сиёсий тизими ва унда сиёсий партияларнинг иштироки ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Давлат раҳбари умумхалқ сайловларида 4 йилга сайланадиган президент (*Forseti*) ҳисобланади. Амалдаги президент Олафур Рагнар Гриммсон 1996 йил 29 июндан бери мамлакатни бошқаради. Гап шундаки, бошқа номзодлар йўқлиги туфайли у кетма-кет беш муддатга президент этиб сайланган. Ҳозирги кунда ижро ҳокимиятини Мустақиллик ва Прогрессив партиялари вакилларидан иборат вазирлар бошқармоқда. Бош вазир парламент сайлови натижаларига кўра, президент томонидан Альтингдаги партиялар раҳбарлари билан маслаҳатлашувлардан сўнг тайинланади. Парламент депутатлари мандати ҳам тўрт йил этиб белгиланган. Сиёсий партиялар эса ўнг марказчи, сўл марказчи ва консерватив йўналишдаги партияларга бўлинади.

Мамлакатни молиявий инқироздан олиб чиқишда, фуқароларнинг оғирини енгил қилиш, иқтисодиётнинг янги тармоқларини барпо этишда социал-демократик альянс (Samfylkingin)нинг алоҳида ўрни бор. Мазкур альянс мамлакатдаги тўртта сўл марказчи партияларнинг 1999 йилги сайловда блок тузишидан ҳосил бўлди. Уларнинг энг қадимийси 1916 йилда ташкил этилган социал-демократик (партия раҳбари Арни Палл Арнасон) партиядир. Бундан ташқари Халқ альянси, "Аёллар рўйхати" ҳамда "Уйғониш" ҳаракати 2000 йил мартида ягона партияга бирлашдилар. Бирлашган партиялар аъзоларининг бир қисми (жумладан, тўрт нафар депутат) альянс раҳбариятини оппортунизмда ҳамда Британия собиқ бош вазири Тони Блэйрнинг "янги либерализм" мафкураси таъсири остига тушиб қолганликда айблаб, ўзларининг янги "Сўллар — Яшиллар ҳаракати"ни тузишди. Экосоциалистик йўналишдаги мазкур партия либерализмга, НАТО ва Европа Иттифоқи аъзолигига қарши сиёсий куч сифатида танилди.

Социал-демократик альянс 2007 йилги парламент сайловларидан кейин мамлакатдаги йирик консерватив куч — Мустақиллик партияси билан коалицион ҳамкорликка қўл урди. Бироқ бир йилдан кейин молиявий танглик ва пойтахтдаги норозилик чиқишларидан кейин коалициядан чиқишга қарор қилади.

Консерваторлар билан коалиция барбод бўлгач, Социал-демократик альянс 2009 йил 1 февралда "Сўллар — Яшиллар ҳаракати" билан навбатдаги парламент сайловига қадар мамлакатни бошқариш учун камчилик ҳукуматини (бош вазир Йохана Сигурдардоттир) тузади.

2009 йилнинг 25 апрелида ўтказилган муддатидан илгари сайловда социал-демократларнинг қўли баланд келиб ҳукмрон коалициянинг асосини ташкил этишади. 2009 йил 10 май куни Йоханна Сигурдардоттир бошчилигида тузилган ҳукуматдан социал-демократлар 5 та, сўллар 5 та ўрин эгаллайди. Шунга қарамай, социал-демократларнинг ЕИга қўшилиш ҳамда ХВЖдан кредит олиш сиёсати туфайли шериклар орасида низо чиқади.

Эътироф этиш керакки, социал-демократлар бошқаруви йилларида Исландия иқтисодиёти кескин ўзгарди. Илгари мамлакат фақат балиқ овлаш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган бўлса, ҳозирги кунда арзон қайта тикланувчи энергия асосида саноатнинг диверсификациялашуви рўй берди.

Шунингдек, алюмин заводлари қурилиши бўйича кенг миқёсли дастур эълон қилинди. Оролда биотехнология, сайёҳлик, банк бизнеси, информацион технологиялар сектори ҳам фаол ривожланмоқда. Ишга яроқли аҳолининг 7,8 фоизи қишлоқ хўжалигида, 22,6 фоизи саноатда, 69,6 фоизи эса хизмат кўрсатиш соҳасида банд.

Кўпчилик шу кунларда Исландия Европа Иттифоқига аъзо бўлиш истагидан воз кечиб тўғри иш қилдими, деган саволларни ўртага ташламоқда. Албатта, бу саволнинг жавоби кўпларни қизиқтиради. Чунки бугун Европадаги кўплаб давлатлар ЕИга қўшилишдек орзусига етолмай турган пайтда орол давлатнинг сўнгги қарори мамлакатнинг ўз халқи кучи ва иродасига таяниб иш тутаётганидан дарак беради.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**

## КХДР: велосипед аёллар учун эмас!

Шимолий Корея ҳукумати хотин-қизларнинг велосипедларда юришларини ман этувчи қонунни яна амалиётга киритди.



Қизиқ томони шундаки, ўтган йили аёлларга бу транспорт воситасидан фойдаланишга рухсат берилганди, бироқ жорий йилнинг 10 январидан бошлаб яна велосипед ҳайдаётган, ҳаттоки велосипеднинг орқасида ўтирган хотин-қизлар қонунни бузган ҳисоблана бошланди. Авваллари бунинг учун корейс аёллари беш минг вонга қадар жарима тўлашарди, лекин янги таҳрирдаги қонун талабига кўра жиноят воситаси, яъни велосипед давлат фойдасига мусодара қилинади.

Ваҳоланки, кўплаб аёллар учун велосипед жуда зарур. Ахир оддий одамларда машина у ёқда турсин, мотоцикл ҳам йўқ. Шундай пайтлари корейс хотин-қизларига 50-30 килограмм юкни ёки нарсалар солинган қопларни ташишда айнан велосипед жуда қўл келарди. Шу сабабли қонун ишга тушганидан бери корейс аёллари велосипед билан боғлиқ ишларини тонг саҳарда битириб олишга ҳаракат қилишмоқда: бу пайтда полиция ходимлари деярли учрамайди.

Умуман олганда, ҳокимият тепасига Ким Чен Ин келганидан сўнг мамлакатда аёлларнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, хотин-қизларга шимда, баланд пошнали туфлида юриш, сирға тақишга рухсат берилди. Айрим маълумотларга кўра, бу ўзгаришларда мамлакатнинг биринчи хоними, ўзи яхши кийинишни хуш кўрадиган Ли Соль Чжунинг ҳиссаси катта.

КХДР оммавий ахборот воситалари велосипед ҳайдаётган аёл "социалистик ахлоқ меъёрлари"га тўғри келмаслигини таъкидламоқда.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Пхеньянда катта амалдорлардан бирининг қизи велосипедида машина тагига кириб кетиб ҳалок бўлганида шахсан Ким Чен Ирнинг фармойишига кўра аёлларга велосипед ҳайдаш ман этилганди.

## Саудия Арабистони: аёллар эркаклар васийлигига қарши

Саудия Арабистони дунёда аёлларга машина ҳайдаш ман этилган ягона мамлакат бўлиб қолмоқда. Шунингдек, бу ерда хотин-қизлар фақат эркакларнинг розилиги билангина ўз шахсларини тасдиқловчи паспортга эга бўлишлари мумкин.



Ўтган йилнинг октябрь ойида мамлакатдаги бир гуруҳ аёллар хотин-қизларга ҳам автомобилни бошқариш ҳуқуқи берилишини талаб қилиб чиқишганди. Мурожаат Мажлис аш-Шўро кенгашида кўриб чиқилди. Бироқ кенгашнинг 150 аъзосидан фақат учтасигина аёллардир. Табиийки, ташаббус мутлақо кўпчилик овоз билан инобатга олинмади.

8 март байрами арафасида эса мамлакатнинг тиниб-тинчимас аёллари янги ташаббус билан чиқишди. Бу сафар улар эркакларнинг аёлларга нисбатан васийликларини чегаралаш тарафдорларидир. Яъни, хотин-қизлар эркакларнинг розиликларисиз ҳам билим олишлари, ишлаши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлишлари, саёҳатга боришлари лозим.

Фаол аёллардан бири бўлган Азиза ал-Юсуфнинг айтишича, амалдаги мазкур чекловлар диний асосга эга эмас, шу сабабли мамлакатда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилиши керак.

## Нобель мукофоти: аввал она, кейин қиз

Нуфузли халқаро Нобель мукофотига биринчи бўлиб муносиб кўрилган аёл Мария Кюридир. У 1903 йили эри Пьер Кюри билан биргаликда физика йўналиши бўйича тақдирланганди. Орадан саккиз йил ўтиб эса Мария Кюри энди кимё соҳасида бу юксак мукофотга муносиб, деб топилди.



Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Мария Кюрининг қизи Ирен Жолио-Кюри 1935 йили кимё йўналиши бўйича Нобель мукофотини олишга муваффақ бўлди...

Дарвоқе, эслатиб ўтайлик, хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси катта бўлиши билан бир қаторда улар яратган буюк кашфиётлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, автомобилнинг тутунчиқаргичини 1917 йили Эль Долорес Жонс хоним кашф этган. Ойна тозалагич эса ундан ҳам аввалроқ, 1903 йили Мэри Андерсон томонидан ихтиро қилинган. Уй бекаси Марион Донован эса нам тортмайдиган таглик яратиб тарихда қолди. Давом этамизми? Мэри Инжел Пенингтон хоним 1907 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини музлатиб қўйишни кашф этди. Бугун барча уй бекалари севиб ишлатадиган қулай микротўлқинли печни Жесси Картрайт хоним яратган. Ҳатто қор курайдиган машина ҳам 1892 йили Синтия Вестовер хоним томонидан ихтиро қилинган. Илк идиш-товоқ ювадиган машина бунақа ишдан безган Жозефина Кокрейн хоним томонидан 1886 йилдаёқ яратилганлигини ҳам эслаб қолинг...

## Forbes: дунёнинг энг бой аёллари

Wall-Mart ретейлерлик тармоғи соҳибаси, 59 ёшли Кристи Уолтон сайёрамизнинг энг бой аёли, деб топилган. Турмуш ўртоғи 2005 йилда авиаҳалокатда ҳалок бўлганидан сўнг ўтган йиллар мобайнида Уолтон ўзига мерос қолган жамғармани икки баробар оширган. Бугунги кунда унинг бойлиги 36,7 миллиард АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда.



Дунёга машҳур L'Oreal косметика компанияси эгасининг қизи Лилиан Бетанкурнинг жамғармаси 35 миллиард АҚШ долларига тенг.

Учинчи ўрин Кристи Уолтоннинг холаси Элис Уолтонга насиб этган. Дарвоқе, 34,3 миллиард доллар эгаси бўлган бу 64 ёшли аёл ўз ҳаёти давомида уч марта автоҳалокатга учраган. Кейинги беш йил мобайнида Элис Уолтон ва унинг қариндошлари 2 миллиард доллардан ортиқроқ маблағ хайрия қилишган.

**Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

## Сўранг, жавоб берамиз!

Фермер хўжалиги раҳбариман. Ёз ойларида экинларни суғориш бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, ўтган йили сув хўжалигига қарашли ташкилот ходимлари даламни суғораётган пайтда келишиб, сувни тўхтатиб қўйишди. Айтинг-чи, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тўғрими? Умуман, сувдан фойдаланиш қоидалари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

*Равшан Фармонов,*
*Ўртачирчиқ тумани*

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланади, сув давлат томонидан қўриқланади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сув истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг аъзолари бўлиши мумкин.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек, бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланади.

Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилиги ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун бир йилда бир марта белгиланади.

Сув истеъмолчилари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг, шу жумладан, белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиш ва сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома берган органларга зарур ахборотни тақдим этиш ва шу билан бирга сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловларни ўз вақтида шартномавий асосда тўлаш сув истеъмолчилари мажбуриятлари ҳисобланади.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёхуд сувдан мақсадсиз фойдаланилганда ёки сув мақсадсиз истеъмол қилинганда ҳамда лимитдан ортиқча сув олинганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар тўланмаган тақдирда ҳам сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик ва маиший эҳтиёжлар учун сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно).

Сув истеъмоли режалари сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тузилади ва тасдиқланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув истеъмоли режаларини умумлаштиради ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси — ҳавза ирригация тизими бўйича, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича тузилган ва умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди.

Сув истеъмолчиларининг сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари билан белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда сув сарфини кўпайтириш ёки камайтириш мақсадида сув объектларидаги гидротехника иншоотларини ўзбошимчалик билан ўзгартириши, шунингдек, уларга муваққат тўсиқлар, насос станциялари (агрегатлар) ва сувни кўтарадиган ҳамда сув оладиган бошқа иншоотларни қуриши тақиқланади.

**Гулнора ПАРПИЕВА,**
**Фирдавс САФАРОВ,**
Тошкент вилояти адлия бошқармасининг масъул ходимлари

**Pharmed sanoat**

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

# 8 Март !

*Азиз опа-сингилларимизни, муҳтарама онахонларимизни **Халқаро хотин-қизлар** куни билан қизғин табриклайди.*

*Сизларга бахт-саодат, оилавий шукуҳ ва фарзандлар саодати доимо йўлдош бўлсин!*

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ жамоаси

*Муҳтарама онажонлар, азиз аёллар ва қадрли опа-сингилларни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди!*

*Аёлни улуғламоқ — Оилани,
Ватанни улуғламоқ демакдир.
Тилагимиз шуки,
юртимиздаги баҳор чечаклари ифори,
қувончу шодликлари
сизларни асло тарк этмасин!*

Оиламиз чиройи ва чорағбони бўлган сиз азизларга меҳр-муҳаббат ардоғида яшаш бахти ҳамиша насиб этсин!




ADOLAT
№ 9 (970) 2014-yil
7-mart, juma

# Замонавий технологиялар

## хизмат кўрсатиш даражасини оширмоқда

AGROBANK

➢ Молия муассасаларида

Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш жадал давом эттирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилоят бошқармаси филиалларида янги технологияларнинг жорий этилиши натижасида банк воситалари ва хизматларининг такомиллашувига, пировард-натижада эса мижозлар доирасининг кенгайишига имкон бермоқда.




Маълумки, ҳисоб-китоблар қулайлиги, накд пул айланмаси қисқариши ва хизмат кўрсатишга оид харажатлар камайиши, пул маблағларини сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги — тижорат банклари томонидан тарқатилаётган пластик карточкаларнинг афзалликлари ҳисобланади. Мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини қозониш ва шу орқали молия бозорининг энг фаол иштирокчиси бўлишни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаган «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилоят бошқармаси саъй-ҳаракати билан ана шундай афзалликларга эга 232 минг 591 дона пластик карталар тарқатилди, шунингдек, 86 та корпоратив ҳамда 83 мингта on-line пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

Шу билан бирга банкнинг савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 1 856 донани ташкил қилиб, улар орқали жами 196,3 млрд. сўмдан ортиқ транзакциялар амалга оширилди. Шунингдек, 3 та банкомат ва 8 та инфокиоскалар айни пайтда аҳолига ойлик иш ҳақи ва пенсия тўловларини пластик карталарига юклаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш имкониятларини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк томонидан ўрнатилган инфокиоска ва банкоматларга uzpaynet ва коммунал тўловларни қабул қиладиган биллинг тизими жорий этилган бўлиб, пластик карталардан фойдаланувчи мижозларга янада қулайликлар яратилди.

Шунингдек, «Агробанк» томонидан Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази билан биргаликда «UZCARD-EMV» ON-LINE пластик карточкаларини муомалага чиқариш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим ёрдамида мижоз пластик карталардаги маблағларни интернет тизими орқали бошқариш, яъни тўловлар амалга ошириш, айланмаларини кўриб бориш, қолдиғини назорат қилиш, мижоз пластик картани йўқотган тақдирда «call center»га телефон қилиб, ўша заҳоти блокировка қилиш имкониятига эга бўлади. SMS-хабарнома хизмати орқали эса пластик картадаги маълумотлар билан уяли телефонига келиб тушган хабарлар орқали танишиши мумкин бўлади.

AGROBANK-CLICK — бу замонавий инновацион хизмат тури бўлиб, юқори функцияли интернет тармоғи ҳамда мобиль телефон орқали банк хизматларидан фойдаланишда кенг имконият яратиши билан эътиборлидир.

Мазкур дастурий маҳсулот аҳолини банк хизматларига бўлган қизиқиши ва ишончини орттириб, бир қатор қулайликлар яратади, шунингдек, пул маблағларини бошқа электрон тўловларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига ўтказишда банкка келишга зарурият қолмайди, тўловлар эса бевосита уларнинг ҳисоб рақамларидан ва пластик карталар ҳисобидан хизмат кўрсатувчилар ҳисоб рақамига реал вақтда автомат равишда ўтказилади.

Хусусан, жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш учун банк филиалида омонат, пластик карточка ҳамда масофадан хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган махсус ҳисоб рақам очган мижозлар тўлиқ фойдаланишлари мумкин.

Ушбу тизимнинг ўзига хослиги шундаки, бунда мижоз аниқ бир мобиль телефон моделига эга бўлиши шарт эмас, уларни мураккаб функцияларни ўрганишга мажбур қилмайди. Мобиль телефонига махсус дастур ўрнатилиши талаб этилмайди. Эътиборли жиҳати, ҳисоб рақам телефонга эмас, мижознинг сим картасига боғланган, телефон ишламай қолган тақдирда сим картани бошқа телефонга қўйиб тўловни амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, мижоз ўз ҳисоб рақамидан тизимининг бошқа фойдаланувчиларига пул маблағларини ўтказиши, тўловлар тарихини кўриши, пластик карталар ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағларини бошқариши мумкин.

— Ҳозирги кунда мазкур муассаса «On-Line» карта фойдаланувчилари учун янги «UZCARD-CLICK» хизматини жорий қилган, — дейди ҳудудий филиал мижозларидан бири, жисмоний шахс Ҳакимжон Пўлатов. — Бунинг афзалликлари бисёр, «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» картага келиб тушаётган, чиқиб кетаётган маблағлар тўғрисида уяли телефонингизга мунтазам равишда ахборот келиб туради. Банкомат, инфокиоска, терминалга картангизни солмасдан ёки банк бўлимига бормасдан уяли телефонингиздан «UZCARD-EMV», яъни «On-Line» картангиздаги қолдиқ маблағни ишлатиш имкониятини беради.

Мен бир неча йилдан банкнинг ҳудудий филиали пластик карталаридан фойдаланиб келаман. Янги «On-Line» пластик карталари аввалги пластик карталарга нисбатан ишлатилиши қулай ва ишончлидир.

Мухтасар айтганда, банк тизимига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши мижозларга банк хизматининг янги турларини кўрсатиш, хизматлар самарадорлиги ва мижозларнинг банкка бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

**Абдуғани СОДИҚОВ,**
«Adolat» мухбири

Reklama

Reklama

# ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «Асака» банк (ОАЖ)

ASAKA BANK

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

## «МУҚАДДАС АЁЛ»

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| *Филиаллар* | *Код* | *Телефон* |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) миллий валютада 59 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.**

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- соликлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

*Хизматлар лицензияланган*

## АДОЛАТ ЖАМИЯТГА НАФ КЕЛТИРИШДИР

- Адолат барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир.
- Адолат ҳамма нарсани ўз ўрнига қўя билишда.
- Адолатнинг икки бош манбаи мавжудки, биринчидан, ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва, иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур.
- Донишмандлиги бўлмаган тақдирда ҳам адолат одамга кўп нарса беради, адолатсиз донишманд эса ҳеч нима бермайди.

**ЦИЦЕРОН,**
Қадимги Рим нотиқи ва файласуфи

➢ Байрам ҳазили

## АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР

*улар орасида қандай тафовутлар бор?*

***Эркак*** ўзига керак бўлганда аслида бир сўм турадиган нарсани икки сўм тўлаб сотиб олади.

***Аёл*** ўзига керак бўлмаганда ҳам аслида икки сўм турадиган нарсани бир сўм тўлаб сотиб олади.

***

***Эркак*** то уйлангунига қадар ҳеч қачон келажагини ўйлаб ташвиш чекиб юрмайди.

***Аёл*** то эрга чиққунига қадар келажагини ўйлаб ташвиш чекиб юради.

***

***Эркак***нинг омади чопгани — хотини ишлата оладиган миқдордан ҳам кўпроқ пул топа олиши.

***Аёл***нинг омади чопгани — шундай эрни топгани.

***

***Эркак*** ўзини бахтли ҳис қилиши учун уни тушуниш ва озгина севиш кифоя.

***Аёл*** ўзини бахтли ҳис қилиши учун уни севиш ва тушунишга мутлақо уринмаслик керак.

***

***Эркак*** рафиқам кейин ҳам шундай бўлиб қолади, деган умидда уйланади, аммо хотин барибир ўзгариб кетади.

***Аёл*** турмуш ўртоғим кейинчалик яхши бўлиб қолади, деган умидда турмушга чиқади, аммо эр барибир ўзгармайди.

***

Ҳар қандай баҳсда сўнгги сўзни айтиш ҳуқуқи ***аёл***да қолади.

Шундан кейин ***эркак*** томонидан айтилган ҳар қандай сўз эса баҳснинг янгитдан бошланишига олиб келади...

# Qishloq Qurilish Bank

➢ Имтиёз

Банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар жуда кўп ёш тадбиркорларга катта кўмак бўлмоқда, десак янглишмаган бўламан. Яратилган имтиёзлар ва шарт-шароитлардан бугун кўпчилик ишбилармонлар бошланғич бизнес ишини йўлга қўйишда фойдаланмоқда.

## Юртимиз ривожига камарбастамиз

Бизнинг «Қўқон чарм пойабзал сервис» масъулияти чекланган жамиятимиз Қўқон шаҳрида 2010 йили ташкил топган. Жамиятимизнинг асосий фаолият тури оёқ кийимлар ишлаб чиқаришдан иборат. Корхонамизга 2011 йилда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўқон филиалидан пойабзал ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 460 миллион сўм микдорида узоқ муддатли кредит ажратилди. Ажратилган кредитни замонавий пойабзал ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун сарфладик ва замонавий ускуналарни Қўқон шаҳар Уста бозор кўчасидаги бинога ўрнатдик. Натижада турли хил ёзги ва қишки замонавий пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Кредитдан самарали фойдаланганлигимиз сабабли 2013 йилда корхонамиз 25 миллион 415 минг сўм соф фойда олишга эришди. Банк кўмагида ажратилган кредит ҳисобидан 12 та янги иш ўрни ташкил этилди. Шундан 4 нафари коллеж битирувчиларидир.

Шу ўринда такидлаб ўтишим кераккки, бундай муваффақиятлар мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилмоқда. Ўйлайманки тадбиркорларга берилаётган бу каби имкониятлар жамиятимиз ривожига сезиларли таъсир кўрсатади.

**Содиқжон СОЛИЕВ,**
Қўқон шаҳридаги
«Қўқон чарм пойабзал сервис»
МЧЖ раҳбари





Ўтган йили Фарғона вилояти Учкўприк туманида ишга туширилган «Шукрона саноат текстиль» оилавий корхонасини замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозлашда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўқон шаҳар филиалидан ажратилган кредит жуда қўл келди. Айни пайтда бу ерда ўн турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхонада 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.

**Суратларда:** *корхона ишчиси Назокат Саминова; корхона ишчилари (чапдан) Назокат Саминова ва Гўзалхон Каримова.*

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146); Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Р.Ахмадалиев. **Навбатчи** — Ғулом Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳр... рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300. Адади — 11216
Босишга топшириш вақти — 21.15 Босишга топширилди — 00.15
1 2 3 5